

Фаргона водийсининг ўзига хос кулай минтака эканлиги барчага маълум. Минтакага тарихнинг турли даврларида кўплаб этник гурухлар, этнослар вакиллари келиб ўрнашган. Шубхасиз ўзаро иктисодий- сиёсий, маданий алоқалар фаол этногенез алоқаларни юзага келтирди. Натижада тиллараро якинлашишга эhtiёж пайдо бўлди. Умуман олганда Фаргона водийсидаги этнослараро тил муносабатлари кадим даврдан бошланиб, асосан бу жараён икки йўналишда ривожланиб борди. Биринчи, тиллараро метизация(коришув) ва иккинчиси, тилларнинг гибридлашуви холатидир. Фаол кечган этнолингвистик жараёнларда тараккиёти уйгурлар билан боғланувчи туркий хунн ва усун кабилалари таъсири яккол кўринади. Академик К.Шониезов кайд этганидек, Фаргона водийсида туркийлашиш жараёни милoddан аввалги I асрда бошланган бўлса керак¹. Фаргона водийси ахолиси тилининг шаклланиб боришида карлук-чигил лахжаси устуворлик киган. Тарихдан маълумки, VIIIаср ўрталарида Уйгур хоконлиги ташкил топгач, уйгурлар сиёсий етакчига айланади. Ушбу даврдан бошлаб туркий тилли элатлар орасида уйгурларнинг нуфузи анчагина юксалганлигига гувоҳ бўламиз. Уйгурларнинг асл ватани бўлган Шаркий Туркистон худуди Фаргона водийси билан якин жойлашган. Бу икки географик худудда яшовчи халклар кадим даврлардаёқ ўзаро сиёсий, иктисодий, маданий алоқаларда бўлганлар. Айниқса, ушбу худуд халкларининг урф-одат ва анъаналарининг, дини, тили, турмуш тарзининг ўхшашлиги ўзаро якинлашувга ҳам сабаб бўлган. Иктисодий ва сиёсий омиллар сабабли уйгурлар(кашкарликлар) Фаргона водийси минтакасига кўчиб ўтадилар. Шаркий Туркистон уйгурлари ва Фаргона водийси ахолиси туркий тилнинг чигатой гурухига мансуб хисобланади. Чигатой гурухи тилларига ўз навбатида уйгур тилининг салмокли таъсири бўлганлиги сир эмас. Уйгур тили кадимдан ривожланган тил сифатида V-IX асрларда бадий адабиёт, ҳукукий ҳужжатлар ҳамда кўплаб туркий кабилаларнинг мулоқот тили бўлиб хизмат килган.

XIX асрнинг ўрталаридан то XX аср ўрталарига кадар давом этган уйгурларнинг Фаргона водийсига миграцияси натижасида кўплаб уйгур кишлоклари пайдо бўлди. Ушбу жараён водийда ўзбек-уйгур этнослараро муносабатларини кизгин кечишини таъминлади. Айрим тадқиқотчилар ўзбек ва уйгур тиллараро якинлигига ишора қилиб, ўзбек тилининг шаклланишига уйгур тили асос бўлган деб айтадилар. Шундай бўлсада, этнограф олим У.Абдуллаев, Фаргона водийсида яшовчи этнослари ўртасидаги лингвистик жараёнларни ўрганиб, ўзбек элати тилининг шаклланишида уйгур тили хусусиятларига хаддан ташқари катта ўрин ажратиш ҳам тарихий ҳақиқатга тўғри келмас, деб таъкидлайди. Кўчиб ўтиш жараёнида уйгур ахоли компакт жойлашган кишлокларда уйгур тили(миллий тил) хусусиятлари устунлик килди. Шунингдек, водийнинг баъзи худудлари тилларида уйгурлашиш ёки “умлаут” ходисаси юз берди. Чунончи, тилшунос олим А.К.Боровков ўзбек тилининг Наманган шевасини “уйгурлашган” деб хисоблайди. Наманган, Уйчи, Чорток шеваларида уйгур тили элементлари, айрим фонетик ва морфологик хусусиятлари яккол сезилиб туради. Шаркий Туркистон уйгурлари билан Фаргона водийсида яшаб турган уйгур этник гурухининг тилларини бир

хил дейиш ҳам тўғри бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида водийдаги уйгурлар тили(шеваси)да трансформацион жараёнлар тезлашган бўлсада, айрим ҳудуддаги аҳоли ўз она тилларини тўлиқ саклаб қолаолди. Маҳаллий ўзбек аҳоли ҳамда ўзбек тилининг кучли таъсирида бўлган уйгурлар иккала тилни паралел билганлар.

Бундай аҳоли тилшунослар томонидан “икки тилли” ёки “аралаш тиллилар” деб аталади. Мазкур аҳоли микромухитда ўз она(уйгур)тилларида, ташки яъни, ўзга этнослар билан мулоқотда эса асосан ўзбек тилида сўзлашадилар.

Уйгур тилининг сакланганлик даражасига қараб водийдаги уйгурлар зич яшовчи кишлок ва маҳаллаларни ўзбеклашган, аралашган, уйгур тилини яхши саклаган гуруҳларга тавсифлаш мумкин. Масалан, Фаргона водийсининг Ўш, Жалолобод, Маргилон, Қўқон шаҳарларида яшовчи уйгур аҳоли ўзбеклашган ҳамда аралашган гуруҳга, Андижон шаҳри ва туманларидаги уйгурлар эса уйғурчани яхши саклаганлиги билан ахамиятлидир.

Дала тадқиқотларида респондентларнинг шевадаги сўзларига эътибор қаратилганда “ў”, “нг”, “э” товушлари талаффузи локал хусусиятларни, “вэт”, “кан”, “ут”, “ли” кабилар умлаут қўшимчаларини акс эттириши маълум бўлди.

Фаргона водийси уйғурлари тили Шарқий Туркистон шеваларидан фаркланувчи ҳамда маҳаллий тиллар уйғунлиги остида ўзига хос тарзда шаклланиб борди. Натижада, мустиқ диалектик бирлик сифатида уйғур тилининг “Фаргона шеваси” шаклланди.

Мазкур шева кўчувчи тил белгиларига кўра бир типли бўлмаган, она-тилидаги шевалар билан эса специфик жihatдан ўхшаш, шу билан бирга ўзбек тилига ҳам яқиндир. Шу боис ҳам уйғур тили хусусида тадқиқотлар олиб борган олим Г.С.Садвакасов, уйғур тилининг “Фаргона шеваси”ни ўзбек ва уйғур тиллари оралигидаги шева деб ҳисоблайди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Фаргона водийсидаги уйғурлар истикомат қилувчи кишлоқларда бир нечта уйғур тилига ихтисослашган мактаблар очилади. Уйғур ёзуви араб графикасига асосланган бўлиб кейинроқ, лотин ва кирил алифбосига ўтилган. 1980 йилларга келиб уйғур аҳоли фарзандлари ўзбек тилига ихтисослашган мактабларга катнай бошлаганлар.

Уйғур аҳоли йилдан-йилга кўпайиб борсада, бу ҳудудларда ўзбеклашиш ёхуд трансформация жараёни жадаллашди. Бироқ, бу ҳолат уйғурларнинг этник идентиклик даражасини йўқолишига олиб келмасада, уйғур кишлоқларида тил изоляцияси(чекланган ҳудудда фойдаланиш) кечмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳозирга келиб бутун дунё микёсида глобаллашув жараёни кучаймоқда. Шундай пайтда мамлакат ҳудудида яшаётган кам сонли миллат бўладими уларнинг анъаналарини, маънавий маданиятини ўрганиш муҳим ахамиятга эга бўлиб этнология, этнолингвистика, этнопсихология ва этносоциологиянинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Зеро ҳар бир этник бирлик сон жihatидан канчалик кўп ёки кам бўлмасин ўз этник киёфасига эгадир.

Г.Валихонова

Андижон кишлоқ хўжалик

институти катта ўқитувчиси